

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА № 11295

2022 йил “24” 03

Тошкент ш.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “KOVCHEG-ART” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-000236 сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор **Б.И. Матраимов**, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 17 даги 46178-сонли баённомасига асосан мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи ИЛ “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ўқив биносини қуриш” (АРТ 1-2, топохарита, геология, ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда) объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-илоvasида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-илоvasида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ҚҚС билан**) **350 000 000 (Уч юз эллик миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорига, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорига, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини)

кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.


11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
KOMPANIYA” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,
16а-уй.



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

БАЖАРУВЧИ

“KOVCHEG-ART” МЧЖ

Адрес: 100077, г.Ташкент, ул Гульсара 62-А

Р/с 2020 8000 0049 1321 1001

АКБ «Капиталбанк» Яшнабадский филиал

МФО 01136, ИНН 301 983 446

ОКЭД-43990

Телефон\факс: 244-75-39



Директор

Б.И. Матраимов



24.03.2022й.

Тошкент шаҳар

**“Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университетининг Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака
ошириш маркази ўқув биносини қуриш ”
объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини
аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси
йиғилишининг
БАЁНИ**

Комиссия аъзолари:

С. Сағдиев	-Бош муҳандис в.б.
Ш. Қодиров.	-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи
Ҳамидов О.	-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи
Турсунов З.	-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)
Абдусатторов П.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси
Абдунабиев А.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг
Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ўқув биносини
қуриш ” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сағдиев, Ш. Қодиров, О.Ҳамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 09 март куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 46178 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “KOVCHEG-ART” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб комиссия аъзолари фикр алмашган ҳолда:


ҚАРОР ҚИЛИНДИ:


1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.


Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 17 мартдаги электрон баённомасига асосан “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ўқув биносини қуриш” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “KOVCHEG-ART” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


Комиссия аъзолари:


С. Сағдиев


Ш. Қодиров


О. Хамидов


П. Абдусатторов


А. Абдунабиев



**Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКВнинг
Қурилиш марказлаштирилган маъбадлар ҳисобида амалга ошириладиган
Олий таълим муассаслари объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлангн ишларнинг**

2022 йилга МАНЗИЛИШ РЎЙХАТИ
(Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ЛК-98-сонли қарори)
2021 йил февралдаги таъкидланган Маълумоти бўйичаги Ҳужумнинг

(Мил. СМ)

№	Объектлар номи ва мазмуни	Қурилиш босқичи ва фаза	Ўрта ҳисоб	Объектнинг умумий қиймати (шарҳнома асосида)	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (салта ҳисобдан бошлаб) қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ қиймати	2022 йил учун капитал бўлимлар амалги ду жумладан	2022 йилда фойдаланишга топширилган	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ қиймати		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ қиймати		Экспертга ҳужжатлар расмий раёвдан на солиштирилган	Тендер (таълим)лар қўйилган бўлиши билан раёвдан на солиштирилган	Қурилиш тўғрисидаги маълумот	
											қурилиш, бўғимнинг қиймати	қурилиш, бўғимнинг қиймати	қурилиш, бўғимнинг қиймати	қурилиш, бўғимнинг қиймати				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
13	Олий таълим муассаслари жамми:	800 800 10940 7 объект	689 641 534 19 276 843	143 376,235 3 649,415	143 376,235 3 649,415	185 779,054 3 649,415	293 622,700	84 850,855	10 020,571	861,909	2500 3 объект	141 273,119	65 710,132 820,349	97 784,707 820,349				Тендер
	Дини қурилиш																	
4	Жамми	800 800 200 2 объект					74 220,000			2 942,325								
1	Тошкент йўналиши ва юқорилик ўқувчилиги институтининг ўқувчи йўналиши ва юқорилик ўқувчилиги институтининг қўйилган	2022 й	объект				6 700,000			271,402								Тендер
2	Тошкент йўналиши ва юқорилик ўқувчилиги институтининг ўқувчи йўналиши ва юқорилик ўқувчилиги институтининг қўйилган	2022 й	800 800 800 3 объект				42 000,000			1 646,543								Тендер
3	Тошкент йўналиши ва юқорилик ўқувчилиги институтининг ўқувчи йўналиши ва юқорилик ўқувчилиги институтининг қўйилган	2022 й	200 200 2 объект				10 520,000			424,285								Тендер
4	Амалдор йўналиши ва юқорилик ўқувчилиги институтининг ўқувчи йўналиши ва юқорилик ўқувчилиги институтининг қўйилган	2022- 2023 й	объект				15 000,000			600,087								Тендер

01.03.2022

№	Объектлар номи ва мазмун	Қурилиш босқичи ва на амалда бўлган йиллар	Давра бўлиши	Объектнинг умумий қиймати (млн сом)	01.01.22 й. қолган объект қиймати (млн сом)	01.01.22 й. қолган йиллик инвестиция (млн сом)	01.01.22 й. қолган йиллик объектнинг қиймати (млн сом)	01.01.22 й. қолган йиллик объектнинг қиймати (млн сом)	01.01.22 й. қолган йиллик объектнинг қиймати (млн сом)	2022 йил учун қиймат қўйилмаган			2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. қолган йиллик йиллик инвестиция (млн сом)	01.01.23 й. қолган йиллик объектнинг қиймати (млн сом)	Экспресс тавриф рақами ва саноат бўлиши	Таъсир (таъсир) кўрсаткичи бўлиши ва саноат бўлиши	Қурилиш тўғрисида маълумот	
										Қурилиш - монтаж ишлари	Жанс	Бунёдкорлик бўлиши	Қурилиш бўлиши	Асосий фонд бўлиши						
A	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	
1	Тошкент аэропорт-терминали ва чўчиши яна қурилиши		2800 ўчоқ ўрни	124 924,429 3 820,393	1 640,477 0,000	1 640,477 0,000	7 618,655 0,000	16 000,000	1 129,031		40,715			124 924,429	6 055,202					
	муҳридан:			Жанс Реконструкция																
1.1	Тошкент аэроporti Кўрсаткичи бўлиши Яна шохар бўлиши 9-йилда қийматини аниқлаш бўлиши 1.1-бўлиги ўчоқ бўлиши реконструкция ишлари	2019-2022й	объект	79 471,319 2 383,982	1 000,000 0,000	1 000,000 0,000	4 805,367 0,000	950,000	950,000				объект	79 471,319	3 855,367		10,09,19 А 552-сонли	ЎЗР БМ 11,06,206 292-ф сонли фойдаланиши	"Discover Invest" МЧК	
1.2	Тошкент аэроporti Кўрсаткичи бўлиши Яна шохар бўлиши 9-йилда қийматини аниқлаш бўлиши 1.2-бўлиги ўчоқ бўлиши реконструкция ишлари	2019-2022й	объект	45 453,110 1 456,411	540,477	540,477	2 713,288	179,031	179,031				объект	45 453,110	2 199,833		12,09,19 А 551-сонли	ЎЗР БМ 11,06,206 292-ф сонли фойдаланиши	"Discover Invest" МЧК	
1.3	Тошкент аэроporti Кўрсаткичи бўлиши Яна шохар бўлиши 9-йилда қийматини аниқлаш бўлиши Тошкент аэропорт-терминали яна қурилиши бўлиши 1.3-сонли ўчоқ бўлиши реконструкция ишлари	2021-2022й	объект	711 071,773 5 449,982	118 317,831 2 695,710	118 317,831 2 695,710	120 905,242 2 695,710	50 000,000	47 934,639		40,715				67 794,655 630,349		05,08,21А 17,432-сонли 1401-0611-088 17,08,2021А	ЎЗР БМ 20,05,21А 261-ф сонли фойдаланиши	"Discover Invest" МЧК	
1	Тошкент аэроporti Кўрсаткичи бўлиши Яна шохар бўлиши 9-йилда қийматини аниқлаш бўлиши Тошкент аэропорт-терминали яна қурилиши бўлиши 1-ўчоқ бўлиши реконструкция ишлари	2020-2022й	5000 ўчоқ	171 071,773 5 449,982	118 317,831 2 695,710	118 317,831 2 695,710	120 905,242 2 695,710	50 000,000	47 934,639		2 065,361	480,000			70 905,242 630,349		05,08,21А 17,432-сонли 1401-0611-088 17,08,2021А	10,09,2021А 4339-сонли 661 лог №14242	"Траст Т" МЧК	
1	Тошкент аэроporti Кўрсаткичи бўлиши Яна шохар бўлиши 9-йилда қийматини аниқлаш бўлиши Тошкент аэропорт-терминали яна қурилиши бўлиши 1-ўчоқ бўлиши реконструкция ишлари	2021-2022й	объект	16 348,690 196,251	16 318,615 166,076	16 318,615 166,076	12 358,615 166,076	11 550,893	11 304,817		166,076	131,909		16 348,690	807,622		26,07,21А 281-сонли 1404-0611-0234 07,10,2021А	02,11,2021А 534-сонли 661 лог №15288	"Траст 5" МЧК	

Изох: *) -Объектнинг қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари натижа нопуқлиқдан сўнг аниқланади
 **) - Ушбу объект бўйича буюрмачи тўмонидан 4 038,049 млн сом маблаг "Қуча меканизация корхонаси" МЧЖга молиялаштириб берилиб бажарилган иш 3 723,627 млн сомини ташкил этади, шундан 334,422 млн сом маблагни буюрмачига қайтарилган сом.
 "Discover Invest" МЧЖга молиялаштириб берилади.

"Қарғида"

"Келгинида"

"Келгинида"



Ўзбекистон Республикаси
 Миллия Вазирлиги
 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси
 Иқтисодий тараққиёт ва қанбағарлик
 қисқартirilgan вазирлиги
 2022 й.

[Handwritten signature]

[Handwritten signature]

[Handwritten signature]